



Ishonch

Ватанимиз тараққийига хизмат қиладиган ютуқларимиз, бойликларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз. Аммо энг катта бойлигимиз — бунёдкор халқимиз, эртанги кун эгалари бўлмиш оловқалб ёшларимиздир.
— Ислол КАРИМОВ

Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси газетаси

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қ А Р О Р И ТОШКЕНТ ШАҲРИНИНГ 2200 ЙИЛЛИГИГА БАҒИШЛАНГАН АСОСИЙ ТАНТАНАЛАРНИ ЎТКАЗИШ ТЎҒРИСИДА

Ватанимиз пойтахти азим Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик қулғу тўйига бағишлаб мамлакатимизда кенг қўламдаги тайёр-гарлик ишлари амалга оширилмоқда.

Халқаро ЮНЕСКО ташкилоти иштирокида нишонланаётган бу санага халқимиз ва жаҳон жамоатчилиги ўртасида қизиқиш ва эътибор тобора ортиб бормоқда.

Шу муносабат билан Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини унинг юртимиз ва минтақамиз тарихидаги, ижтимоий-сиёсий ҳаётимиздаги тўтган бекиёс ўрни ва макеига муносиб тарзда юқори савияда нишонлаш ҳамда бу тарихий санага бағишланган асосий тантаналар ва оммавий сайилларни чуқур ўйланган дастур асосида маъмул ўтказиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2008 йил 2 апрелда қабул қилинган қарорига қўшимча равишда 1-иловага мувофиқ чора-тадбирлар режаси қабул қилинсин. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллигига бағишланган тантанали мажлис ва байрам концертини тайёрлаш бўйича ташкилий-иждоий гуруҳ таркиби 2-иловага мувофиқ тасдиқлансин.
2. Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейини нишонлаш санасига бағишланган тантанали мажлис ва концерт дастурини 2009 йил 1 сентябр кuni «Ўзбекистон» халқаро анжуманлар саройида, оммавий тадбирлар ва халқ сайилларини эса 2 сентябр кuni пойтахт майдонларида ўтказиш ҳақидаги тақлифлар маъқуллансин.
3. Мустақиллик кuni ва Тошкент шаҳрининг 2200 йиллиги байрами муносабати билан ҳамда аҳолининг дам олиши учун қулай шарт-шароитлар яратиш, иш вақтидан оқилона фойдаланиш мақсадида 2009 йил 29 август шанба дам олиш кuni 2009 йил 31 август душанба кунига, 2009 йил 30 август яшанба дам олиш кuni 2009 йил 2 сентябр чоршанба кунига кўчирилсин. 29 август шанба ва 30 август яшанба кунлари иш кuni деб эълон қилинсин.
4. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Тошкент шаҳрининг 2200 йиллик юбилейига тайёр-гарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.
5. Мазкур қарорнинг бажарилишини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентини **И. КАРИМОВ**
Тошкент шаҳри,
2009 йил 10 июн

Олтин ёз — ўтмоқда соз



Тошкент вилояти Бўстонлиқ туманида жойлашган «Автомобилчи» оромгоҳи яна болалар билан гавжум.

Кеча мазкур оромгоҳга 370 нафар ўқувчи ташриф бурди. Улар орасида «Умид ниҳоллари» мусобақаси ғолиби бўлган 50 нафар сирдарёлик ўқувчи ҳам бор. Қадамидан ўт қақнаётган шижоатли ёшларга қараб, беихтиёр юртинг эртанги кuni порлоқ бўлишига ишонч ҳиссини туясиз.

— Тинимсиз машғулотлар самара бериб, ғолиблар сафидан жой олишга муваффақ бўлдик,

— дейди қўл тўпи бўйича 1-ўринни эгаллаган Дилшод Туропов. — Бизни рағбатлантириб, саломатлигимизни мустаҳкамлашимиз учун бепул йўланма берган Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсиясидан миннатдорим. Бундай юксак эътибор бизни янада ғайратли, шижоатли бўлишга даъват этади.

Таътил давомида мазкур масканда 1000 нафар ўқувчини дам олдириш кўзда тутилган.

Ўз мухбиримиз

ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИНИНГ ОДКБ КОЛЛЕКТИВ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШИ СЕССИЯСИ ВА ШҲТ ДАВЛАТ РАҲБАРЛАРИ КЕНГАШИ МАЖЛИСИДА ИШТИРОКИГА ДОИР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислол Каримов 2009 йил 14 июн кuni Коллектив хавфсизлик шартномаси ташкилоти (ОДКБ) Коллектив хавфсизлик кенгашининг Москва шаҳрида бўладиган сессиясида ҳамда 15-16 июн кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШХТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг Екатеринбург шаҳрида ўтадиган мажлисида иштирок этади.

Ташриф

Аслида, бола қувончи юрт тинчлигидан, ёш авлодга бериладиган эътибордан, муҳим, миллатнинг болажонлигидан дарақ беради. Ниҳолнинг парваршига қанча аҳамият берилса, у шунча кўркем бўлиб ўсади. Шу нуқтаи назардан болаларнинг хордиқ чиқаришига имкон яратиш ҳам бир парваришидир.

Бола қувончи — юрт тинчлигидан

Соат 9⁰⁰. Тошкент темирўл вокзали хоразмлик меҳмонларнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида йиғилган ташкилотчилар билан гавжум. Улар болаларни кутиб олиш тарадудида.

— Бугунги кунда шаҳардан ташқари 12 та оромгоҳда тайёр-гарлик ишлари ниҳояланган, — дейди Тошкент вилояти касба уюшмалари маънавий-маърифий ва спорт ишлари бўлими мудири Эътиборхон Раҳмонова. — Шунингдек, «Ёшлик» оромгоҳида вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши томонидан ташкил этилган семинарда болаларнинг ёзги дам олишини ташкил этиш учун масъул ташкилотлар: Санитария-эпидемиология назорати маркази, Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар, Факултада вазиятлар, Ёнғин хавфсизлиги бошқармалари ҳамда «Камолот» ЕИХ вакиллари иштирок этиб, ўз йўналишлари юзасидан тушунтириш бердилар. Оромгоҳ бошлиқлари ва етакчилари учун ҳам керакли қўланма ва плакатлар берилди.

Шу ўринда таъкидлаш жоизки, Тошкент вилоятида 2009 йилнинг ёзида 25.540 нафар болани дам олдириш режалаштирилган. Шундан 13.740 та бола шаҳардан ташқари стационар оромгоҳларда ижтимоий суғурта, касба уюшмалари, ота-оналар, ўжалик органлари маблағи, 11.800 та бола эса мактаб ва коллежлар қошидаги кундузги соғломлаштириш оромгоҳларида ҳоқимликлар, ҳоқимлар ҳисобидан соғломлаштирилади.

Соат 9³⁰. Вокзалга Хоразм вилоятидан поезд келиб тўхтади. Бир зумда вокзал шўх-шодон қийқириқлар билан тўлди. Саф торган болалар улкан таассуротлар оstonасида, сермазун хордиқ чиқариш арафасида туришарди. Уларнинг қувончига шерик бўлиш мақсадида суҳбатга чорлаймиз.

Ражапова Маҳфуза, Урганч туманидаги 10-мактабнинг 6-синф ўқувчиси:

— Йўлда келар эканмиз, юртимизнинг нақадар беповён эканини кўриб ғурурланиб кетдим. Аслида ҳам ер юзидаги энг ажиб ва гўзал дийр бизники. Шу заминнинг фарзанди сифатида бизга кўрсатилган эътибордан жуда мамнунмиз. Энг сўлим гўшаларда дам олиш, дўстлар орттириш ва катта таассуротга эга бўлишимиз ҳам ана шу гамҳўрликнинг бир кўринишидир.

Собиров Фозилжон, Хонка туманидаги 45-мактабнинг 5-синф ўқувчиси:

— Юртимиз пойтахтига келганимдан хурсандман. Тошкент ҳақида кўп эшитган бўлсан-да, кўз билан кўриш барибир бошқача-да. Ҳали уйга қайганимда, албатта, ота-онанга, тенгдошларимга бу ерда кўрганларини гапириб бераман.

Болаларнинг қувониб сўзлаётганидан тўлқинланиб кетишди чоғи, мураббийлари ҳам суҳбатимизга қўшилди.

Ҳўжаназар Қўронбоев (Богот туманидан, гуруҳ раҳбари):

— Ўқувчиларим билан Паркент туманидаги «Бойчек» оромгоҳида хордиқ чиқариш учун келдик. Болаларнинг байғирати яхши. Уларнинг қизиқиши шунангича кучлики, савол беравериб ҳоқимимизга қўйишмади. Муҳими, ўзлари истагандай маза қилиб дам олишди, дўстлар орттиришди.

Ширин Нуржонова (Шовот туманидан, гуруҳ раҳбари):

— Аввало, келажакимиз ворисларига яратилган шундай имконият учун давлатимизга минг раҳмат. Хоразмдан келгунча болаларнинг қувонини айтмайсизми? Гуруҳ мураббийи сифатида 27 нафар ўқувчининг қувончи менга ҳам ўтгандек бўлди. Мана, вокзалдаёқ яхши кутиб олишди, худо хоҳлса «Сумча» оромгоҳида болалар аёло даражада дам олиб, ширин таассуротлар билан қайтишди.

Шундай қилиб, хоразмлик 600 нафар бола Паркент туманидаги «Сумча» ва «Бойчек» болалар соғломлаштириш оромгоҳларида кузатилади. Улар 15 кун давомида табиат қўйида мазмунли хордиқ чиқарадилар. Қизикликлари кўра турли тўғрақларда шуғулланишди, кутубхоналардан фойдаланиб, спорт мусобақаларида катнашди. Бунинг учун оромгоҳларда барча имконият яратилган.

Акмал ТЎШЕВ, «Ishonch» мухбири

Эртани ўйлаб...

Имкониятлар бирлашганда инқироз ҳам чекинади

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китоби ва «Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг жаҳон иқтисодий инқирози оқибатлари олдини олиш ва бартараф қилиш бўйича инқирозга қарши дастур бажарилишига қўмаклашиш чора-тадбирлари» юзасидан жойларда ўқув-семинарлар бўлиб ўтмоқда.

Ўтган кuni Тошкент шаҳар касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида ана шундай семинар бўлиб ўтди. Унда тармоқ касба уюшмалари шаҳар кенгашларининг раислари ҳамда марказий кенгашларнинг вакиллари, йирик ташкилотларнинг етакчилари иштирок этишди.

Тадбирни Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кенгаши раиси Дилбар Жаҳонгирова кириш сўзи билан очди. Шундан сўнг Федератсия кенгаши раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров, Тошкент шаҳар ҳоқими ўринбосари вазифасини бажарувчи Зафар Тўйчиев, Маънавият тарғибот марказининг Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Иброҳим

ЎзКУФК бўлим мудирлари Маҳмуд Исаев, Урол Одилов, Абдусалом Рисқуллаев ва бошқалар ҳам семинарлар ишида фаол катнашиб, меҳнатқашларни ижтимоий-иқтисодий, ҳуқуқий жиҳатдан яхшиолаш, ишчи-хизматчиларга қулай иш шароитини яратиш ҳамда меҳнат муҳофазасини яхшилаш, жойларда маданий-маърифий ҳамда спорт ишларини янада яхшилаш борасидаги ўз фикр-мулоҳазалари билан ўртоқлашдилар.

Абдуғаниевлар ўз маърузаларида кризисга қарши дастур бажарилишига қўмаклашиш борасида амалга ошириладиган ишлари атрофида тахлил этиб беришди.

Сирдарё вилоят касба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгашида бўлиб ўтган семинарни Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кенгаши раисининг биринчи ўринбосари Мирзохид Содиқов кириш сўзи билан очди.

Йиғилганлар Ўзбекистон касба уюшмалари Федератсияси кенгаши раисининг ўринбосари Нормамат Аллаёров, вилоят ҳоқимининг муовини Баҳром Буруновларнинг мавзу таҳлилига доир маърузаларни тингладилар.

Таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси Андижон вилояти кенгашида бўлиб ўтган «Ҳуқуқий саводхонлик — муаммолар ечимининг қалити» мавзусидаги кенгайтирилган семинар-йиғилиш соҳа ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларининг олдини олиш ҳамда меҳнат ахлига моддий ва маънавий қўмак бериш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини назорат қилиш, жамоатчиликда ўзини-ўзи назорат қилиш қўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишланди.

Соғлиқни сақлаш ходимлари касба уюшмаси Бухоро вилояти кенгашида бўлиб ўтган «Ҳуқуқий саводхонлик — муаммолар ечимининг қалити» мавзусидаги кенгайтирилган семинар-йиғилиш соҳа ходимларининг ҳуқуқий саводхонлигини ошириш, молиявий-иқтисодий инқироз оқибатларининг олдини олиш ҳамда меҳнат ахлига моддий ва маънавий қўмак бериш, меҳнат қонунлари ва жамоа шартномаларининг ижросини назорат қилиш, жамоатчиликда ўзини-ўзи назорат қилиш қўникмаларини шакллантириш масалаларига бағишланди.

Ўз мухбирларимиз

Шу кунларда жаҳонда юз бераётган молиявий инқироз кўп давлатларга таъсир кўрсатмоқда. Ривожланган давлатлар катори мамлакатимизда ҳам инқироз хавфини юмшатиш ва қўйлаётган зарарни имкон қадар камайтириш борасида бир қатор чоралар амалга ошириляпти.

Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози, Ўзбекистон шароитида уни бартараф этиш йўллари ва чоралари» китоби ҳамда мамлакатимизда жаҳон иқтисодий инқирозининг салбий оқибатларини бартараф этишга қаратилган 2009 — 2012-йилларга мўлжаллаб қабул қилинган Инқирозга қарши чоралар дастури бизга дастуруламал бўлиб хизмат қилмоғи лозим.

143.736 кишини бирлаштирган Сурхондарё вилояти таълим ва фан хо-

Қадриятларимизни асраб-авайлаймиз

димлари касба уюшма ташкилотлари иқтисодий ислохотнинг ўзига хос жиҳатлари мамлакатимиз иқтисодиётини муайян даражада инқироздан ҳимоя қилишга қадирлигини оммага тушунтириб бормоқда.

Вилоят таълим ва фан ходимлари касба уюшмаси кенгаши ва унинг жойлардаги ташкилотларида инқирозга қарши дастур бажарилишига қўмаклашиш ҳақида қарорлар қабул қилиниб, тадбирлар белгилаб олинди. Бундан асосан таълим муассасаларининг микроучасткалари, электр энергияси, табиий газ, ичимлик суви ва бошқа бойликлардан самарали фойдаланиш, шу-

нингдек, ходимларни ижтимоий ҳимоялаш, меҳнатни муҳофиза қилиш каби кенг қўламли вазифаларни амалга ошириш кўзда тутилган.

Вилоятдаги таълим муассасаларида иқтисодий инқирознинг ҳодимлар турмушига салбий таъсирини камайтириш борасида бир талай ибратли ишлар амалга ошириляпти. Хусусан, Термиз туманидаги 2-мактаб жамоаси 15 сотих ер участкасидан самарали фойдаланиб, даромад олмоқда. Етиштирилган гўл ва кўчатлардан 2007 йили 1.301.700 сўм даромад олинган бўлса, 2008 йилда бу кўрсаткич 3.842.400 сўмни ташкил этди. Ушбу маблағ кам таъминланган ўқувчи

ва ходимларни қўллаб-қувватлашга сарфланди. Бундан ташқари, 516.200 сўм мактаб таъмирига, 1.174.000 сўм эса қўшимча қурилишга сарфланди. Шу ҳисобдан мактаб тоза сув билан таъминланди.

Шунингдек, Денов туманидаги 1-мактабда ташкил этилган 2,5 сотихлик иссиқхонада лимон етиштирилади. 3 сотих майдонда боғ яратилган бўлиб, хурмо, ўрик, анор, олма каби мевалар етиштирилмоқда. Ерэнғоқ, мош, қарам, помидор, бодирингдан ҳам мўл ҳосил олинаётир. Бунинг авазига мактабнинг махсус ҳисоб-рақамига ҳар йили ўртача 5,5 млн. сўм маблағ келиб тушмоқда. Бу

маблағлардан кам таъминланган ўқувчиларга стипендия беришда, ходимларга моддий ёрдам кўрсатишда фойдаланилмоқда. Шунингдек, мактаб кутубхонасини бойитиш мақсадида бадиий китоблар, маънавият ва маърифат хонасига кўргазмалар жиҳозлар олиб келинди.

Ҳозирги шароитда бундай мактабларнинг фаолиятини кенгайтириш ва оммалаштириш лозим. Нафақат деҳқончилик билан шуғулланиш, балки хизмат кўрсатиш шохобчаларини ташкил этиш, чорвачиликни ривожлантириш бўйича ҳам кенг имкониятлар мавжуд.

Президентимиз Ислол Каримовнинг «Жаҳон молиявий иқтисодий инқирози,

Ўзбекистон шароитида уни бартараф этишнинг йўллари ва чоралари» китобида: «Тобора чуқурлашиб бораётган жаҳон молиявий инқирози мамлакатимизга таъсир кўрсатмайди, бизни чет-лаб ўтати деган хулоса чиқарилмади керак. Масалани бундай тушуниш ўта сод-далик, айтиш мумкинки, кечириб бўлмас хато бўлур эди», — дейилган.

Биз, касба уюшма фаоллари, энг аввало, юртбошимизнинг ушбу асарига ёритиб беришган масалалар моҳиятини жамоатчиликка содда ва тушунарли қилиб етказмоғимиз лозим. Бу масалаларда ҳам халқ таълими ходимлари илғор ва ташаббускор бўлмоғи керак.

Х.ДОСОВ, Сурхондарё вилояти таълим ва фан ходимлари касба уюшма кенгаши раиси

Касаба уюшма оталигидаги соҳаларда

Куёнчилик — даромад манбаи

Қарши туманининг Бешкент шаҳар-қасида Бахтиёр ака деган танишимиз яшайди. Ҳар гал меҳмонга бор-сак, бир зумда куён гўштидан димлама тайёрлайди. Бирам хушхўр, бирам мазалики, асти қўяверасиз.

— Куёндан кўпми? — сўраймиз уй эгасидан.

— Етарли, — дейди сирни очишни истамагандек сирли жилмайиб. — Уғилларим Жаҳоҳир, Жаҳонгир, жияним Умиджон парвариш қилишарди.

Буни қаранки, Бахтиёржондан ибрат олган кўшчилар ҳам куёнчилик билан шуғулланишарди.

— Куён боқиш унчалик мушкул юмуш эмас, — дейди Чирокчи туманидаги Қаҳрамон қишлоғида истиқомат қилувчи Жасур Эргашев.

— Бундан бир йил муқаддам куёнчилик фермаси ташкил этгандик.

Туман ҳокимлиги томонидан куёнчилик фермаси қуриш учун кўшни Кўктош қишлоғи чеккасида 4 гектар ер ажратиб берилганди. Ҳозир жониворлар сони 500 тадан кўп.

Уларнинг бир йилда 4-5 мартадан 12-13 тагача кўпайишини ҳисобга олсак, 5-6 ойда куёнлар сони мингтадан ошиб кетади.

— Ташкентдан етишти- та «Великан» зотли кўнлар олиб келмоқчимиз, — дейди Жасур Эргашев.

— Уларнинг ҳар бири 10-15 килограммга гўшт қилади.

Шу кунларда иккита замонавий куёнхона қурилиши ниҳоясига етказилди. «Агробанк»дан 10 миллион сўм кредит олинди, бир вақтнинг ўзида 2000 та куён боқиш имконияти яратилди.

Насли жониворлар сонини кўпайтириш, қурилиш ишларини кенгайтириш ва етарли миқдорда озиқ-овқат захирасини яратиш режалари ишлаб чиқилди.

Бир гектар майдонда беда, бир гектар майдонда сабзи ва турли кўкатлар етиштириляпти.

Айтганча, парҳез гўштира харидор сероб. Воҳадаги савдо тармоқлари ва ошхоналарнинг мутасаддилари куён гўштини узлуқсиз харид қилиш истагини билдирдилар.

Беданалар сайраганда

Шаҳрисабзлик Нурали Баратов беданачилик билан шуғулланадиган «Оқсарой» масъулияти чекланган жамияти тuzиб, кулгўл ишга кўл урди.

— Жамоамиз аъзолари кўп йиллардан бери паррандачилик билан машғул, — дейди у. — Парранда гўшти ва тухум етиштиришнинг ҳадисини олганмиз. Эндиликда эса беданачилик...

Инкубацияга қўйилган тухумларнинг

эллик фоиздан кўпроги ёки иккитадан биттаси очиб чиқади. Лекин, мити жониворларни боқишнинг ўзига яраша қийинчилиги бор. Жўжалар тухумдан чиққандан сўнг дастлабки кунларда хона 30 даража иссиқ бўлиши керак. Етмиш кунга ҳарорат аста-аста камайтириб борилади.

— Бу сердаромад соҳа, — дейди Н.Баратов. — Гўшти билан туҳуми парҳезбop ва шифобахш. Тиббиёт ходимларининг таъкидлашича, ошқозон ярасини, ўт-буйрак, пешобни тутолмаслик хасталикларини даволашда улардан ўтадигани йўқ. Жорий йил 5 мингта бедада етиштириб сотиш мўжжалланган. Ҳозирги пайтда фермада очирилган беданалар воҳанинг турли бурчакларида боқиб кўпайтириляпти.

Оқсаройликларнинг яна бир тажри-

этилади. Шу соҳага ихтисослаштирилган 14 та фермер хўжалиги тузилади. 24 та деҳқон хўжаликларида мазкур тармоқ йўлга қўйилган. Яққабoғ, Китoб, Шаҳрисабз ўрмон хўжаликларида асалари боқиш намунаси олиб бориляпти. Шунинг билан бирга асалари қутилари ва пакетлари тайёрлашга киришилди.

Тармоқдан олинандиган маҳсулот ва даромад ошиб бормoқда. Бу йил 173 тонна бебаҳо неъмат етиштириш мўжжалланаётир.

— Асалари боқиш билан 35 йилдан бери шуғулланаман, — дейди яққабoғлик Мейли Холиқов. — Бир килограмм асал йиғиш учун митти жонивор 10 миллионга гўлга кўниб, 100 мингга ақин гулшира улушини олиб келади.

Мейли ака 150 оила асаларини пар-

Ислоҳот самараси

Баҳмал туманидаги Абдувайит Усанов номидаги сувдан фойдаланувчилар уюшмасига ҳозирда Усановнинг ўгли Абдуваҳoб Абдувоҳидов раҳбарлик қилади. Худуддаги ўзгаришлар, янгиланишлар тўғрисида у бизга қуйидагиларни гапириб берди:

Қишлоқларимизнинг фрайзи бўлакча

— Уюшмамизнинг асосий вазифаси сувдан унумли фойдаланиб, ҳосилдорликни оширишдир. Худудимиз лалмикор, бўлганлиги учун ҳам мавжуд бўлоқлар, қор ва ёмғир сувларини оқилона ишлатишни талаб этади. Уюшмамиздаги 50 нафар фермернинг 35 таси боғдорчилик, 15 таси галлачиликка ихтисослашган. Фермерларимиз боғдорчилик ва галлачиликдан ташқари, ўз хўжалик-

ларида чорвачиликни ҳам ташкил қилишган. Фермерларимизга қарашли ҳар бир оила томорқасида 50-60 тулпар мевали дарахт бор. Шунингдек, картошка, сабзи, мош, масхар экишга ҳам эътибор қаратилган. Олинаётган даромад қишлоқни обод қилиш, уй-жой қурилиши, йўлларни таъмирлашга сарфланмоқда. Шунингдек, ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларга ёрдам қўлини чўзмоқдамиз.

Уюшма раиси билан бирга «Темирқадам» қишлоғида бўлдик. Қишлоқ оқсоқоли Усмон хожи Акрамов қишлоқ тараққиёти, фаровон турмуш тарзи ҳақида гапириб берди.

— Бугун қишлоқдаги беш хонадонда тўй бўляпти, бирга юрсангиз ҳаммасини ўз кўзингиз билан кўрасиз,—дея оқсоқол бизни тўйга томон бошлади. — Баҳмалда боғ яратишни Сарюзи ва Темирқадам қишлоқлари халқи бошлаб берган. Дастлаб, 45 гектар майдонда боғ яратилди. Бизга яқин бўлган қишлоқ Тағанда 33 гектар, Доғирада 45 гектар боғ яратилди. Машҳур чўпон Неъмат Назаров эса 78 бош зотли молларни минг бошдан оширганини биламан. Эндиликда, унинг ўғли Хўжамурод ўз қишлоқдошларига отасидек фойдаси тоғадиган инсон бўлиб етишган.

Отахон билан сўхбатлашиб, биринчи тўйга кириб борганимизни сезмай қолдик.

— Мавлон фермернинг тўйига келдик,— таништирдим отахон. — Баҳмалда табиятнинг ўзи яратиб қўйган тўйхона бор. Бу шу ҳовлининг қорбоғи.

Мавлон фермернинг тўйи олмазор остида ташкил қилинмиди. Биз қишлоқ одатига биноан «тўй қулли бўлсин» қилиб, тўёнлар узатдик. Келин-кувё, тўй болани дуо қилдик.

Уша куни бешта тўйга борган бўлсак, ҳаммасида тўқинлик, фаровонликнинг гувоҳи бўлдик. Бу энг аввало, юртимиздаги тинчлик, хотиржамлик шарофатидир. Хожи бобо қишлоқда ҳашар йўли билан жомеъ масжиди қурилганлиги, 400 қувачига мўжжалланган икки қаватли мактаб биноси қурилиши бошланганлиги, қишлоқ ички йўлларига тош тўшалиши, зиёратгоҳ — хожа Кўнда-ланг бобонинг қабрлари атрофини обод қилиш бўйича белгиланаётган тадбирлар ҳақида тўққинликни сўзлади. Қишлоқда амалга оширилётган бундай ишларни эшитиб, кўнглимиз тоғдек кўтарилди.

Абдурауф РАХИМҚУЛОВ

ИЗЛАГАН ИМЖОН ТОПАР

баси ибратли. 70 сотих майдонда сув хавзаси барпо этилиб, 200 килограмм балиқ чавоқлари қўйиб юборилди.

1 кг. асалда юз минг гул ифори

Мамлакатимизда 2009-2011 йилларда асаларичиликни ривожлантириш бўйича чора-тадбирлар дастури қабул қилинган. Мазкур дастур асосида муайян ишлар амалга ошириляпти.

— Воҳамизда сўнги уч йилда 16 минг 459 асалари оиласини 21 минг 494 тага етказиш режалаштирилган, — дейди вилоят асаларичилик ассоциацияси раиси Маҳмуд Сафаров. — Бунинг учун ҳамма чоралар кўриляпти.

Айни пайтда 8 та ўрмон, 17 та фермер, 163 та шахсий ёрдамчи ва деҳқон хўжаликларида асалари етиштириб келинган бўлса, жорий йил яна 29 та асаларичилик хўжалиги ташкил

вариш қиляпти. Бултур 1 тонна асалдан 4 миллион сўм соф фойда қилди. Еши етмишини қоралаган Уроқ бобо Мусаев Яққабoғнинг олди асаларичиларидан.

Вилоят бўйича 1846 та асалари оиласини ташкил қилиш учун 300,4 миллион сўм маблағ талаб этилса, шунинг 262,9 миллион сўми имтиёзли кредитлар асосида йўлга қўйилади.

Иzzат ҲИҚМАТОВ, «Ishonch» мухбири



Бугуннинг нафаси

МИЖОЗЛАР МАМНУН БЎЛАЁТИР

«Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилоят филиали Президентимизнинг 2008 йилда мамлакатимизни иқтисодий ривожлантириш яқунлари ва 2009 йилга мўжжалланган иқтисодий Дастурнинг энг муҳим устувор йўналишларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси мажлисидаги маърузасидан келиб чиқиб фаолият юритаётир. Хусусан, ўтган йил жами 5393,6 млн. сўм миқдорда кредитлар ажратилди ва лизинг хизматлари кўрсатилди.

Бугунги кунда филиал пахта ва галла етиштирувчи 575 та фермер хўжалигига хизмат кўрсатмоқда. Уларнинг сони ошгани сайин ажратилаётган имтиёзли кредитлар суммаси ҳам юқсалиб бораёпти. Жорий йилнинг январ ҳолатига кўра, фермер хўжаликларига 1016,3 млн. сўм миқдорда ана шундай кредитлар берилди.

Йил бошида банкнинг жами даромади 1323,8 млн. сўмини ташкил этди, харажатлар эса 1133,3 млн. сўмдан иборат бўлди.

Президентимизнинг 2007 йил 18 майдаги «Ёш оилаларни моддий ва маънавий қўллаб-қувватлашга доир чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармониغا биноан ўтган йил жами 929,6 млн. сўм миқдорда кредит ажратилди.

Филиал жамоаси пул муомаласи ва пластик карточкалар билан ишлашда ҳам миқдорларнинг манфаатидан келиб чиқиб ҳаракат қилаётир. Масалан, бултур банк кассаларига 24857 млн. сўм миқдорда нақд пул маблағлари кириб қилинди. Эндиликда эса кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектларини микромолиявий хизматлар билан таъминлаш юзасидан ишлаб чиқилган дастурга асосан 5136 млн. сўм миқдорда имтиёзли микромолиявий маблағларни туман ҳамда қишлоқ фуқаролар йиғинларига киритиш, бунда янги ташкил этиладиган ишчи ўринлари сонини 4370 тага етказиш, аҳолининг бўш пул маблағларини муддатли омонатларга жалб этиш ва шу каби талай юмушларни амалга ошириш назарда тутилмоқда.



Юсуф РАХИМОВ, «Микрокредитбанк» АТБ Навоий вилоят филиали бошлиғи

Хабар


«Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖда Президентимизнинг «Жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози. Ўзбекистон шароитида уни барқарор этишнинг йўллари ва чоралари» китобини ўрганиш бўйича минтақавий ўқув семинари бўлиб ўтди. Унда Самарқанд, Жиззах, Жануби-ғарбий магистрал электр тармоқлари, Жиззах ТЮКТ, Самарқанд минтақавий диспетчерлик хизмати, «Ўзқишлоқэлектрқурилиш»га қарашли 2, 12, 48-қўйма колонналар ва «Ўзбекэнергo-назорат»нинг 85 нафар раҳбар ва иқтисодий ходимлари қатнашди.

Иқтисодий барқарорлик йўлида

Анжумани «Ўзбекэнерго» ДАК ходимлар бошқармаси бошлиғи Баҳоҳир Нурматов очиб, инкирознинг энергетика тизимида салбий таъсирни юмшатиш йўллари ҳақида гапирди. Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти «Статистика» кафедраси мудири, иқтисодиёт фанлари доктори, профессор Мамаюнус Пардаев юртбошимизнинг асарига жаҳон молиявий-иқтисодий инкирози сабаблари ва Ўзбекистон шароитида инкироздан чиқиш йўллари кўрсатиб берилганлиги хусусида маъруза қилди.

Бундан ташқари, мамлакатимизда амалга оширилган инкирозга қарши чоралар дастури ўтган даврда иқтисодиёт таркибининг тубдан ўзгариши, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш ва техник янгилаш, молия-банк тизимини мустақамлаш, замонавий бозор механизмлари ва инфратузилма-ни шакллантириш йўлида ба-жарилган улкан ишларнинг ман-тикий давоми эканлиги таъкид-лаб ўтилди.

Р.ЗУЛПАНОВ, «Самарқанд электр тармоқлари» ОАЖ касаба уюшма қўмитаси раиси



Суратларда: коллеж ўқувчиси Муҳридин Маннопов пайвандлаш устоҳонасида; ишлаб чиқариш таълими устаси Миножат Рўзиева коллеж ўқувчиси Малоҳат Маматалиева билан тикувчилик машғулоти пайтида.

Билим амалиётда мустаҳкамланади



Раҳматнома

Анча вақтдан бери дард қийнаб келарди. Охири бўлмади, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази Самарқанд вилоят филиалининг «Шошилинч урология» бўлимига боришга мажбур бўлдим. Бу ерда профессорлар Ю.Аҳмедов, С.Алладов, бўлим бошлиғи И.Ҳасанов, даволовчи шифокорлар А.Шодиев, Н. Маматқулов ҳамда қўли оғил кичик тиббиёт ходимлари Ш.Бурҳонова, М.Нарзуллаева, Э.Мингбоев муолажалари тўғрисида бир ҳафтада тўзалдим. Шифо масканида ўзининг усталари ишлашига амин бўлдим. Уларнинг барчасига миннатдорчилик билдирмоқчиман. Қўлингиз дард кўрмасин, азизлар!

Урол АБДИЕВ, Қашқадарё вилояти Чирокчи тумани

«Энг яхши солиқ тўловчи»

Қоракўлда шундай фермер бор


Тадбиркор Бобоқул Йўлдошев кичик корхонада ҳам катта ишларни амалга ошириш мумкинлигини исботлади. Бир томонда 5-10 нафар қиз қоракўл теридан кийим-кечак тиқиш билан банд. Туркия технологияси асосида қад рoсланган тегирмонда сифатли уч кичирепти.

— 1988 йил кичик бир хонада қизим Насиба ва жияним Матлуба билан ишга киришдик. Уша пайтларда таъминотда узлишлар бўлиб тургани учун баъзи маҳсулотларни ўзимиз тайёрлашимизга тўғри келганди. Саъй-ҳаракатларимиз зoе кетмади. Цех анча кенгайиб, ишчилар сони ҳам ошди. Маҳсулотларнинг сифати яхшиланди.

Вақт ўтиб, қоракўл териларга қизиқиш пайдо бўлгач, Қоракўл заводи билан шартнома тузилди. Излаган имкон топади, таъминотларидек, Россиядан териларни қайта ишлайдиган ускуна келтирилди. Ана шу тарзда 1992 йили «Чевар» кичик корхонаси ташкил қилиниб, 50 нафар ёш ишга жалб этилди. 2005 йилда эса кичик корхона кўп тармоқли

«Мўйначи—Қоракўл» фермер хўжалигига айлантирилди. Меҳнатдан келса бойлик, турмуш булар чиройли, дейдилар. Ишбилармоннинг фидойилиги тўғрисида қишлоқ бугун ўз тағйирини, тикув цехига эга. Оминлар Бобоқул акадан тантаналдор.

Дилором ХАЛИМОВА, Бухоро вилояти




«Инсонга наф келтириш — олий бахт» танловига

бор. Қизлар да- лада эди. Ёмгир- да қолиб кетма- син! Сиз маши- нангизда уларни уйга элтиб қўйинг! Тақси кириани ўзим тўлайман. Мен- ми, Чортоқ си- хатгоҳи ходими Рустамжон Жўра- евман. Кейинги йилларда си- хатгоҳ маъмурларининг

ЯХШИЛИКЛА ЧОҒЛАНГАН КЎНШИ

Хаво айниганини қўриб, Рустам аканинг дили гаш торди. «Эҳ, бугун ёмгир ёғмай турса бўларди-да... Болалар далага катта...» Шу хаёл билан катта те- мир дарвозадан ўтиб, ич- кари йўналди. Парафин ва озакерит билан даволаш бўлими йўлагига уни та- лай мижозлар кутиб ўти- рарди. Иш қайнаганда қайнади. Бироз толиққа- нини ҳис этди.

танимайдиган киши йўқ, десак муболага эмас. Қарийб 27 йилдан буён шу ерда дам олувчиларга хизмат қилади. Наманган тиббиёт би- лим юртини битириб, ҳар- би хизматдан қайтган, 1982 йилда даволаш ба- дантарбия услубчилиси бўлиб, кейинроқ маъдан- ли сув билан даволаш бўлимида ва ниҳоят, бу ерда меҳнат қилмоқда.



— Санаторийнинг асо- сий дармон-дориси, ши- фобахш муолажаси, ал- батта, таркибиде йод- бром бўлган минерал су- дир, — дейди Рустам ака. — Аммо дам олувчилар шам-озакеритнинг фойда- си ҳақида ҳам кўп гапи- ришади.

Имтиёзли диплом қачон имтиёз беради?

Касб-хунари коллежларини аъло баҳолар билан битир- ган талабаларга имтиёзли диплом берилди. Лекин маъмурият ҳисобларига ишга жойлаштишда ҳам, олий ўқув юртига киришда ҳам ҳеч қандай имтиёз белгилан- маган. Имтиёзли диплом им- тиёздан қачон фойдаланиш мумкин?

Хаёт ва қонун

Муштарийларимиздан келган бир қатор саволларга Халқ таълими вазирлигидан қуйидагича жавоб олдик.

Олий маълумотли мутахассисман. 2007 йилнинг 1 декабридан 2008 йилнинг 4 апрелигача декрет таътилида бўлдим. Ушбу таътилга бир ставка дарс ҳамда синф раҳбарлик нагузқаси билан чиққан эдим. 2008 йилнинг 4 апрелидан ишга қайтдим, шу йилнинг 27 июнига- га меҳнат таътилига (июль-август ойларида тўлиқ иш ҳақи тўлиғини ва 2008 йил 1 сентябрдан ушбу нагузқа билан тўлиқ таъминланиш шарти билан) чиқарилдим.

2009 йил 15 январда Ўзбеки- стон Халқ таълими вазирлиги, Олий ва ўрта-махсус таълим ва- зирлиги, Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест марказининг «Умумий ўрта таълим мактабларини юқори малакали педагог кадр- лар билан таъминлашни янада яхшилаш тўғрисида»ги қўшма қарори чиқди.

Мехнат таътили ва туғиш таъ- тили учун бериладиган ҳақни ҳисоблаб чиқиш тартиби қандай? Кейинги икки-уч ойда оиллик иш ҳақи ошган бўлса, эътиборга олинмайдими?

Тахририятдан:

Тўғри. Бундай диплом олий таълим муассасаси- га киришда имтиёз бермаслиги мумкин. Бироқ ишга жойлаш- ганнингдан сўнг эгалла- ган пухта билимингиз ўзингизни намойиш эти- шда кўл қолиши аниқ.

Ангорлик касаначилар КИМДАН ХАҒФА?

Ангор туманидаги иқтисодий фаол аҳоли иш билан банд бўлган- лар ва ишсизлар ўзаро таққослан- сива ҳали қилинмаган ишлар ниҳоят- да кўплигини пайқаш қийин эмас. Бу борада Ўзбекистон Президенти- нинг 2008 йил 28 ноябрдаги «Иқтисодийнинг реал сектори кор- хоналарини қўллаб-қувватлаш, уларнинг барқарор ишлашини таъ- минлаш ва экспорт салоҳиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ижро этиш ва иқтисодий инкирозга қарши чора- тадбирларни амалга ошириш ҳисо- бига аҳоли бандлигига кўмакла- шиб, кичик тадбиркорлик ва хусу- сий бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида 2009 йилга мулжаллан- ган янги иш ўринларини яратиш да- стури ишлаб чиқилган.

«Respublika Mulk-Auksioni» ДК вилоят филиаллари очик АУКЦИОН савдоларига таклиф этади

- 1. Андижон вилоят филиали томонидан 2009 йил 14 июл соат 10.00 да аукцион савдосига қуйидаги автотранспорт воситалари қўйилади:
1. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси ҳузуридаги СВОЖДҚК департаменти Андижон вилоят бошқармасига қарашли Андижон шаҳри, Оқработ кўчаси, 1-уйда жойлашган «ВА3-2106» русумли, давлат рақами 17 АК 149 бўлган, 1995 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси. Бошланғич баҳоси — 3 736 507 сўм.
2. Асака шаҳар Молия бўлими балансидаги Асака тумани, Т.Алиев кўча- си, 165-уйда жойлашган «ВА3-2109» русумли, давлат рақами 17 АК 470 бўлган, 1991 йилда и/ч техник носоз автотранспорт воситаси. Бошлан- ғич баҳоси — 2 065 385 сўм.

Абдулхай ЮНУСОВ, «Ishonch» мухбири

ди «Ангор пахта» АЖ маъмурий хўжалик мудури, касаначилар бўли- ми бошлиғи Ҳождар Тангриқулова.
Наҳотки, жамият раисининг ўрин- босари С.Усмонов Сурхондарё ви- лоят «Пахтаसानоат» бирлашмаси раҳбарининг 2008 йил 10 декабр- даги буйруғи асосида ўз касаначи- ларини иш ва хомашё билан таъ- минлаб, меҳнатига яраша рағбат- лантириш ҳар бир ҳиссадорлик жа- миати раҳбарининг шахсан зимма- сига оқлатилганидан бехабар бўлса? Касаначиликнинг ривожла- шини аҳоли бандлигини таъмин- лабгина қолмай, ишлаб чиқариш- даги харажатларни қамайтиришда муҳим рол ўйнайди.


Рустам ДАВЛАТ, «Ishonch» мухбири

14 июн — Бутунжахон Донорлари кун

1818 йили британиялик акушер Жеймс Блонделл илк бор инсондан инсонга қон қуйиб, бемор ҳаётини сақлаб қолган. 1900 йилга келиб эса шифокор Карл Ландштейнер инсон қонини гуруҳларга ажратиб, АВ0 тизимини яратган. Шу асосда донорлик юзага келган. Бугунга келиб, ер юзида миллионлаб кишилар ўз ихтиёри билан, ҳеч қандай таъмасиз одамларга ҳаёт улашувчи қон топирадилар. Уларни беғараз донорлар деб аташади.

САВОБ ИШНИНГ ЭНГ УЛУҒИ

Донор топширган хавфсиз қон бемор организми учун ниҳоятда зарур. Соғлом инсон донорлик қилиб нафақат яқинларига, балки бегона кишиларга ҳам яхшилик қилади.



Айни пайтда қон хавфсизлиги бутун дунёда долзарб муаммолардан ҳисобланади. Ҳозир дунё бўйича донор қонига бўлган эҳтиёж ошиб бораётган.

— Донорлар берадиган қон туфайли қўлаб касалхона ва турувхоналарда қанчадан-қанча кишиларнинг ҳаёти асраб қолинади, — дейди бу ҳақда пойтахтимизда жойлашган Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти қошидаги қон қуйиш марказининг бош шифокори Ирина Яхонтова. — Аммо ҳозирги кунда дунё аҳолисининг катта қисми хавфсиз қондан бебахрадир.

Рақамларга мурожаат қиладиган бўлса, ер юзида бир йилда 80 млн. киши топшираётган қоннинг 32 фоизини на ривожланган мамлакатлар аҳолисидан олинади. Ўзбекистонда эса ҳар мингта кишига атиги 5-6 нафар донор тўғри келар экан.

Бош шифокорнинг маълумотига кўра, кейинги йилларда юртимизда донорлар анча камайиб кетган. Шу боис қўлаб тиббий муассасаларда қон етишмаслиги кузатиляпти. Бу йўналишда туб ўзгаришларга эришиш учун 2002 йил 30 августда қабул қилинган «Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги тўғрисида»ги қонуннинг ижросини таъминлаш мақсадида Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Гематология ва қон қуйиш илмий текшириш институти зарур чора-тадбирларни амалга ошириб келмоқда.

— Ҳозир қон ва ундан олинандиган препаратлар тайёрлаш учун ишлатиладиган суний манба йўқ, — дейди бош шифокор Ирина она. — Шунинг учун донорларга эҳтиёж катта. Донорлар илгари асосан икки турга бўлинар эди. Биринчиси бадалсиз донорлар бўлса, иккинчиси пулли донорлардир. Яъни топширган қонни эвазига белгиланган нархда пул оладиган донорлар. Ҳозирга келиб пулли донорлик тизимига чек қўйилди. Чунки кўп ҳолларда бу даромад манбаига айлиниб қолиши кўзга ташланди. Хавфсиз қон топширувчи донорларнинг асосини, яъни 90 фоизини ўз хохиши билан қон берувчи донорлар ташкил қилади.

Касалликлар тури кўпайган ҳозирги даврда одамлар онгидан бегона кишининг қонидан фойдаланиш хавфи деган фикр пайдо бўлиши табиий. Шу нарсага барча билиб қўйиши керакки, ушбу марказда рўйхатда турадиган донорлар қон топширишдан олдин домий тиббий текширувдан ўтказиб турилади. Бир марта қон топширувчи донорга ҳам худди шу тартиб қўланади.

Кўпинча, ҳатто, соғлом кишилар донорлик қилишни исташмайди. Аҳоли ўртасидаги донорлик донорнинг саломатлигига салбий таъсир қилади, деган нотўғри тушунчанинг натижаси бу.

Мутахассисларнинг билдиришича, соғлом одам танасида 5-5,5 литр қон бўлади. 200-400 миллилитр қон топшириш эса саломатлик учун мутлақо зарарсиз экан. Гоҳида айрим касалликлар организмдан зарур миқдорда қон олиб ташлаш йўли билан даволалинишни ишитганмиз. Шундай экан, нега донорлик қилишдан ҳадиксирашимиз керак!

— Донор соғлиғи қон қуйиш хизмати учун ниҳоятда муҳимдир, — дейди шифокор. — Ҳар қандай тиббий муассаса донорнинг қон топшириб, бирор турдаги касаллик орттирмаслиги учун жавобгар ҳисобланади. Қон топшириш даврида фақат бир марталик тиббий воситалар ишлатилади.

Донор 18 ёшга тўлган соғлом инсон бўлиши керак. Текширувлар натижасида унга камқонлик таъхиси қўйилса, қони таркибиде вирус аниқланса, донорликдан озод қилинади ва диспансерга ўтказилади.

Бугунги кунда Гематология ва қон қуйиш институтида беш мингга яқин беғараз донор рўйхатга олинган бўлиб, умумий қон топширувчилар сони эса 120 мингга яқин. Агар республика миқёсида қараладиган бўлса, ушбу кўрсаткич жуда кам. Аммо савоб ишнинг ўлчови бўлмайди дейишадими-ку. Донорнинг бемор учун энг зарур бўлган бу инъомини эса ҳеч нарсага менгзаб бўлмайди.

Орзуғул РУСТАМОВА



Кучли учликда ўзгариш

Пойтахтимиздаги «Учқун» спорт мажмуаси теннис кортларида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика комплекси, кимё саноати ва геология ходимлари касаба уюшмаси Марказий кенгаши соврини учун теннис бўйича аънанвий Республика турнири ўз голибларини аниқлади.

Аёллар. 1. Дилдора Раҳимова (Тошкент вил.), 2. Олга Власова (Тошкент ш.) 3. Елена Уланова (Қашқадарё).

45 ёшдан юқори бўлган теннисчилар баҳсида қашқадарёлик Шоди Намозов

Касаба уюшма спорти

финалда Тошкент шаҳри вакили Бахтиёр Алиматов устидан зафар кучди. Учинчи ўрин сурхондарёлик Мусурмонкул Аноровга насиб этди. Дарвоқе, Аноровнинг тармоқ касаба уюшмаси Марказий кенгашининг вилоятдаги вакили сифатида бошқаларга ўрناк бўлаётганлиги қувонарли.

Аёллар ўртасида қашқадарёлик теннисчи Алла Шу-

пакка тенг келадиган топилмади. Тошкентлик Наталя Белякова иккинчи, сирдарёлик Нодира Абкелъмова учинчи ўринни эгаллади. Эрақлар жуфтлик баҳсларида ота-бола Рустам ва Шоди Намозовлар бош мукофот соҳиби бўлган бўлса, аёллар ўртасида Алла Шулак ҳамда Елена Улановаларга тенг келадиган топилмади.

Умумжамоа ҳисобида Қашқадарё жамоаси биринчи, Тошкент шаҳри иккинчи ҳамда сурхондарёлик спортсеварлар учинчи поғонани банд этди.

Энг асосийси, мусобақа давомида жойларда, тармоқ корхоналарида спортнинг оммавийлигига катта эътибор берилганлиги ўз исботини топди.

Акмал АБДИЕВ, «Ishonch» мухбири



Пиру бадавлатларимиз

Пиру бадавлат момо Хайитжон Қаландарова билан суҳбатлашсангиз баҳри дилингиз очилади. Қарилки гапнинг сураётган онахон ҳамон тетик, невараларини ёнига олиб оила масъулияти, турмуш қувончу ташвишларидан сабоқ беради. Қизларга чеварлик, пазандаликни ўргатади.

Минг ой билан юзлашган ОНАХОН

— Эҳ болам-а, бу азиз бошимиз қандай кунларни кўрмади. Тунлари чироқ ёқиб пахта терардик, фронтга кетганлар учун ҳам бир норма бажарардик-да.

Онахон ўзининг ёшлик йилларида бугунги саодатли кунларни таққосларкан, қуффи дили очилиб кетади.

— Истиклолдан айланай, бизга инсондай яшаш бахтини берди. Фарзандларим, невараларимга яратилаётган шарт-шароитларни кўриб ҳавасимиз келади. Файратим жўшиб кетади, баъзида уларга бош бўлиб ўзим ҳам нималаридир қилгим келади. Бугунги шароитни ҳали ўзбек дехқони кўрмаган. Бир сўз билан айтганда, мустақиллик ишбилармон, ишининг қўзини биладиган кишилар учун катта қўлайлик яратди.

Хайитжон момо 1921 йилда Урганч шаҳрида таваллуд топган. Тақдир тақозоси билан 1939 йилда Хонқа туманидаги Мадир қишлоғига келин бўлиб тушди. Турмуш ўртоғи хаваскор шоир Искандар Қаландаров иккинчи жаҳон уруши катнашчиси эди. Хайитжон она олти нафар фарзандни оқ ювиб, оқ тареди. Искандар ака билан 30 йил фаровон ҳаёт кечирди.

Хайитжон момони бугун Мадир қишлоғидаги каттаю кичик эъзолаб тилга олади. Қўни-қўшни, қариндош-уруғ, ёр-биродарлар пиру бадавлат, минг ой билан юзлашган бахти бекам онахонни ҳазиллашиб «Фармонбиби» дейишади. Негаки,

онахон 6 фарзанди, 4 келини, 2 қуёви, 10дан ортик назира келину назира қуёвларига гўёки Фармонбибига ўхшаб йўл-йўриқ кўрсатиб келмоқда.

— Оллоҳга шукронам қўп, — дейди мамнулик билан момо. — Раҳматли онам Тўтижон доимо дуо қилардилар: «Болам, ўзинг бир бўлсанг, шоханг минг бўлсин!»

Ҳақиқатан ҳам онам айтганидек, ўзим бир бўлсам ҳам шохам минг бўлди. Невараларимнинг саноғига етолмайман. Бир ўкинчим шуки, фарзандларимнинг отаси шоир Искандар Қаландаров бевақт оламдан ўтди. Унинг шеърый китобларини вафотидан сўнг фарзандларим чоп эттиришди. Агарда шундай гўзал, хур замонамизда у биз билан ёнма-ён яшаганида борми, бундан завқланиб, тўлиб-тошиб дostonлар битармиди?! Бугунги ёшларга айтадиган маслаҳатим: ота-онангизни доимо ҳурмат қилиб, дуосини олиб юринг, халқимиздан хизматингизни аяманг. Элга кўрсатган иззат-ҳурматингиз, албатта, ўзингизга қайтсин.

Истиклол туфайли муроди ҳосил бўлган момо меҳнатлари роҳатини фарзандлари, невараларлари, элу элдошлари ардоғида кўриб, шукрона қилиб яшамоқда. Момо поёнига етказма олманг эзгу ишларини бугунги кунда қизлари Мунаввархон ва Зухраҳон, неваралари чеварлари давом эттирмоқда.

Шарқия ЭШЖОНОВА, Хоразм вилояти

Дўстим, дийдор Ганимат

Донорлар жаҳоирга хавас билан қарамас, Қўшни бордир, аскарлар бари бирдай сарамас, Қадди қомат алл, аммо полвонликка ярамас, Қарга-зоғлар давраси булбулга мисли қарас, Дўстим, дийдор ганимат, ганиматдир ҳар нафас.

Давлат ординда қувсанг йўқолур меҳр-оқибат, Бахт-иқболи қулган ким? Кимда обод охират, Нурафшон эрур қайда олмилар курса суҳбат, Инсон таянчи - ниймон, идрок, меҳнат, муҳаббат, Дўстим, дийдор ганимат, ганиматдир ҳар нафас.

Илму фан тоғай ривож қайда саҳоват бўлса, Қочғай шайтонни лаяни, қайда адолат бўлса, Қўнгул оромда бўлғай сабру қаноат бўлса, Ҳақ сўзини айтар кимда журъат, жасорат бўлса, Дўстим, дийдор ганимат, ганиматдир ҳар нафас.

Мирза ҚАЙНАРОВ, касаба уюшма фахрийси



Мулоҳаза

Мустақил ҳаёт учун ўқувчилик даври пойдевор ҳисобланади. Ҳар бир йигит-қиз олган билимига қараб, у ёки бу касба-хўнаро эгасига айланади. Бугунги кунда қўшма ҳаёт ўз истақининг учун киши фақат ўз истақининг, қизиқиши, қолаверса, қобилиятини тўғри баҳолай олиши керак бўлади.

КИМ БЎЛСАМ ЭКАН?

соҳангни эгалла, дея маслаҳат бердим. Кейин қандай мутахассисликка қизиқини, қайси фанлар бўйича билими яхшилигини суриштирдим. Билдимки, тайинли тайёргарликсиз, таваккал қилиб имтиҳон топширмоқчи экан. У келажакнинг маъмуликка маҳкум қилганини яхши англамасди ҳам. Афсуски, ёшларимиз орасида бундайлар талайгина. Уларнинг боқибегамлиги, фикрлашга ҳафсаласизлигига сабаб нима? Бир жиҳати, оилада яшаш маънавий муҳитда тарбияланган ҳали бир қарорга келмаганлигини, қаерда кириш бали кам бўлса, ўша жойга ҳужжат топширишни айтиди. Ўқишга киролмай қўлишдан чўчиб журъатсизлик қилаётган бўлса керак-да, деган ўйда «кичилиб ўтирмай қизиққан

Advertisement for 'Ishonch' newspaper, including contact information, subscription rates, and a list of authors and contributors.

Тошкент шаҳар савдо, матбуот корпорацияси ходимлари ва тадбиркорлар касаба уюшмаси кенгаши раёсати ва жамоаси раёсат аъзоси, «Мадда» суурта агентлиги бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Жапон Шарипова падари буюрдуки САИДНАБИХОН отанинг вафоти мўноси билан чуқур таъзия изкор этади.